



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

---

2019 йил “ 15 Феврал ” № 01-119 **БУЙРУҚ**

Тошкент ш.

**Тошкент давлат шарқшунослик институтининг  
2019 йил I ярим йиллик иш режаси тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатни ривожлантришнинг энг мухим устувор вазифалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига 2018 йил 28 декабрдаги Мурожаатномасида, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифи мобайнида ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида (раислигида) ўтказилган мажлисларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил I ярим йиллиги Иш режасида белгиланган вазифалар ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йилининг I ярим йиллик иш режасида белгиланган топшириқларни, шунингдек, институт олдида турган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2019 йил 11 февралдаги 142-сонли буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2019 йил I ярим йиллик иш режаси 2019 йил 11 февралдаги 142-сонли буйруғи билан тасдиқланганлиги инобатга олинсин.
3. ТДШИ проректорлари (А.Воҳидов, Н.Абдуллаев, О.Шералиев) ва Ишлар бошқармаси (Ш.Мирзиятов)га:
  - Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил I ярим йиллиги учун иш режаси дастуруламал сифатида қабул қилинсин ҳамда 2 кун муддатда Иш режалари вазирликнинг Иш режасига мувофиқлаштирилсин ва Мониторинг ва ички назорат бўлимига тақдим этилсин.

**4. ТДШИ проректорлари (А.Воҳидов, Н.Абдуллаев, О.Шералиев), факультет деканлари (Қ.Омонов, З.Қодиров, С.Ҳашимова, Ш.Усманова, Ч.Хусанов), кафедра мудирлари ҳамда барча бўлим бошлиқларига:**

– 2019 йил I ярим йиллиги иш режаси бўлимлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, Қарор ва Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва Фармойишларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан тизимли мониторинг олиб борилсин ва қатъий назоратга олинсин.

– 2019 йил I ярим йиллигининг тасдиқланган Иш режасидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Бош вазирнинг топшириқларидан, ва ўз функционал вазифаларидан келиб чиққан ҳолда иш ҳафтасини самарали ва оқилона режалаштириш чоралари кўрилсин, ҳар ҳафталик иш режалари бажарилиши натижадорлигига нисбатан талабчанлик кучайтирилсин.

– **2019 йил 20 июнь кунига қадар жорий йил I ярим йиллиги иш режасининг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботлар ва 2019 йил II ярим йиллик иш режаси лойиҳаси** Ички назорат ва мониторинг бўлимига **тақдим этилсин.**

– Институт проректорлари, факультетлар деканлари, бўлим бошлиқлари, кафедра мудирлари иш юритишда ижро интизомини белгиланган муддатларда тўлақонли таъминлашга ва раҳбарият томонидан берилган топшириқларни ўз вақтида камчиликларсиз бажаришга **масъул ва шахсан жавобгар** эканликлари белгилаб қўйилсин.

**5. ТДШИ проректорлари (А.Воҳидов, Н.Абдуллаев, О.Шералиев), Ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғига:**

– институтнинг барча факультетлари деканлари ва бўлимлари бошлиқлари томонидан, шунингдек, кафедралар мудирларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ижросини белгиланган муддатларда бажаришлари бўйича фаолиятлари устидан назорат кучайтирилсин;

– амалдаги тартиб-қоидалар асосида ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизومي тизимли ташкил этилсин, ҳужжатлар ижроси бўйича ҳар кунлик назорат мониторинги олиб борилсин, ойлик ва чораклик ҳисоботлар чуқур таҳлил қилинсин ва муҳокама қилиб борилсин, бу борада масъул ходимларнинг масъулияти оширилсин;

– ижро интизомига амал қилмаган, топшириқларни ўз вақтида бажарилишини таъминламаган масъул шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўриш юзасидан таклифлар киритиб борилсин.

**6. Девонхона мудири (Ш.Якубжанова)га:**

Ушбу буйруқ ўрнатилган тартибда институт проректорлари, факультет деканлари ва бўлим бошлиқларига етказилсин.

**7. Ушбу буйруқ ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.**

Ректор



А.Маннонов